



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган маросим давом этди. 5 сентябрь куни вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари жамоалари, жамоатчилик вакилларининг қадами узилмади.

Бу ерга келувчилар Сенат биносига ўрнатилган Президентимизнинг портрети олдида бош эгиб, пойига гуллар кўйди. Турнақатор бўлиб тизилган одамлар юз-кўзида, нигоҳида ўз раҳнамосига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, юксак ҳурмат-эҳтиром билан бирга оғир йўқотиш туфайли чуқур қайғу ва аччиқ кўз ёшлар...

— Президентимиз Ислам Каримов халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиқди, балки уни мустақамлаш йўлида бутун борлигини бахшида қилди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Абдумўмин Каримов. — Ёшим тўқсонга яқинлашди, лекин бундай халқпарвар, доно ва довурак раҳбарни кўрмаганман. Собиқ тузум даврида вайрон бўлган қадам-жолар Ўртбошимиз раҳнамолигида қайта тикланди. Дину диёнатимиз ўзимизга қайтди. Бундай савобли ишлари билан Ислам Каримов ҳаётлиги-даёқ ўзига боқий ҳайкал ўрнатганди. У кишини нафақат биз, балки неча асрлар давомида авлодларимиз ҳам юксак эҳтиром билан хотирасида сақлайди.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини топди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди, — дейди Шайхонтохур тумани Кўкча дарвоза маҳалласида яшовчи Бону Раҳимов. — Бугун байроғимиз халқро майдонда, жаҳон ареналарида ҳилпираганда кўксимиз гурурга тўлади. Буларнинг бадири доно давлат раҳбаримиз Ислам Каримовнинг хизматлари бекиёс. Ҳозир юракларимизда шундай чексиз қайғу борки, буларни сўз билан ифода этиш қийин.

— Президентимиз Ислам Каримов халқимизнинг ҳар бир



вакилини чин юракдан яхши кўрарди, — дейди юнусободлик Людмила Проценко. — Буни ҳис қилганмиз, биз ҳам уни доим яхши кўрганмиз, қадрлаганмиз. Айниқса, миллатлараро тотувлик муҳитини яратгани, бу масалага юксак даражада доим эътибор қаратгани мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳамжихатликни мустақамлади. Юздан зиёд миллатни бир байроқ остига бирлаштирди, бир мақсад сари бошлади. Бу борада Ислам Каримов бошлаб берган хайрли анъаналарни давом эттириш, уларнинг «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» деган давъатини авлодлардан-авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз.

— Президентимиз Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилиш билан бирга, бу табар-

рук заминда истиқомат қилаётган барча элу элатларни бирдек қадрлади, эъзозлади, — дейди Қорақалпоғистон халқ артисти Кенгесбой Сержанов. — Хусусан, қорақалпоқ халқига эътибори бўлақча эди. Оғир глобал экологик муаммолар гирдобиди қолган бу туپроқ истиқлол туфайли эътибор топди, гуллаб-яшнади. У ерда туғилиб ўсган истеъдодлар жаҳон сахналарига, спорт арена-ларига чиқди. Бу йўлда қилинган хайрли ишлари ҳеч қачон унутилмайди, асрлар оша яшайди.

— Ўртбошимиз ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитларни яратиб бергани тарих зарварақларига мангу муҳрланади, — дейди Учтепа

туманидаги 251-мактабнинг тарих ўқитувчиси Муҳайё Пирматова. — Чунки мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида бу йўлда қўйилган мустақам-пойдевор йиллар ўтгани сари ўз самарасини бераверади. Фарзандларимиз халқро фан олимпиадалари, олимпиада ўйинларига ўнлаб медалларни кўлга киритмоқда, бу муваффақиятларимизнинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади. Халқимизнинг нафақат бугунги, балки келажакда эришажак ғалабалари ҳам Ислам Каримов номи билан боғлиқ бўлади.

— Президентимиз бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалби-миздан чуқур жой олган, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети та-

лабаси Орифжон Асқаров. — Биз буюк Ўртбошимизга ўхшашга, у кишининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганмиз. Бизнинг келажакимиз йўлида доим куйинган, барча шароитни муҳайё этган Президентимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз.

— Ўзбекистонда истиқлол туфайли тadbirkorлик ривожланиши, хорижий инвестицияларга кенг йўл очилиши Президент Ислам Каримов номи билан боғлиқ, — дейди Германиянинг «Siemens» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Искандар Буронов. — Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, қулай ишбилармонлик муҳити хорижий ҳамкорларни жалб этиб келмоқда. Компаниямиз ҳозирги кунда Устюрт газ-кимё мажмуаси ва бошқа йирик корхоналар билан самарали технологик ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар янада самарадорлик билан давом этишига ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичидан ўз ўрнига эга бўлишида Президент Ислам Каримовнинг ўрни ва роли бекиёс, — дейди Жанубий Кореянинг «Neworold» компанияси раиси Ли Сунг Хи. — Бугун Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда. Муҳташам бинолар, обод кўчалар, халқнинг фаровон турмуши шундан далolat беради. Ислам Каримовнинг вафоти Ўзбекистон халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Чунки халқ ўз Президентини севарди, ҳурмат қиларди. Бугунги маросимлар, одамлар юзидида маҳзунлик буни кўрсатиб турибди. Биз ҳам дардингизга шерикимиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислам Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйдагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

- БМТ Бош котиби — **Пан Ги Мун**
- Америка Қўшма Штатлари Президенти — **Барак Обама**
- Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**
- Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**
- Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири — **Сергей Лавров**
- Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**
- Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцян**
- Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири — **Ван И**
- Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**
- Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси — **Нурлан Нигматулин**
- Туркменистон Президенти — **Гурбангули Бердимухамедов**
- Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**
- Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**
- Афғонистон Ислам Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**
- Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**
- Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

- Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири — **Владимир Макей**
- Украина Президенти — **Пётр Порошенко**
- Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хе**
- Корея Республикаси Бош вазири — **Хван Гё Ан**
- Корея Республикаси ташқи ишлар вазири — **Юн Бён Се**
- Япония Бош вазири — **Шиндзо Абэ**
- Япония Бош вазири рафиқаси — **Акиэ Абэ**
- Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси — **Таро Асо**
- Япония ташқи ишлар вазири — **Фуmio Кисида**
- Ҳиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**
- Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**
- Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**
- Покистон Ислам Республикаси Президенти — **Мамнун Ҳусайн**
- Покистон Ислам Республикаси Бош вазири — **Муҳаммад Навоз Шариф**
- Эрон Ислам Республикаси Президенти — **Ҳасан Рўхоний**
- Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**
- Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**
- Бельгияликлар Қироли — **Филипп**
- Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Вейонис**
- Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири — **Эдгарс Ринкевич**
- Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси — **Андрей Клементьев**
- Словения Республикаси Президенти — **Борут Пахор**
- МДХ Ижроия қўмитаси раиси — **Ижрочи котиби — Сергей Лебедев**
- Шанхай ҳамкорлик ташкилати Котибияти КХШТ Бош котиби — **Николай Бордюжа**
- БМТ Тараққиёт дастури администратори — **Хелен Кларк**
- «МАКСАМ» компаниясининг президенти ва ижрочи директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**
- Испания Археологлар уюшмаси бош котиби — **профессор Хесус Хил**
- Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэролин Лэмм**
- Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**
- «Туркистон — Америка ассоциацияси» раиси — **Абдулла Хўжа**
- Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**
- Халқро болалар фондлари ассоциацияси Президенти — **Альберт Лиханов**
- Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри), Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт — **Антонио Алонсо**

Хотира дарслари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадрли инсон бўлган Ислам Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди.

Улуғ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, халқимиз олдидаги буюк ташкилларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғибotchилари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод қамолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик кўрсатгани бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Ўртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажаги йўлида яратилган шароит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбидаги Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустақамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасидаги энг масъулиятли вазифади.

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини,

бутун жаҳонда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихини қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислам Каримов номи билан боғлайди ва шу улуг инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржимаи ҳоли билан таништирилган, махсус мониторда намойиш этилган филмда Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги туб ислохотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевоқосита Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узокни кузлаган доно сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбеки-

тон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжихат, аҳил ва тотувликда истиқомат қилаётган мамлакатга айланди.

— Собиқ тузум даврида мутелик, қарамлик исканжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслади, — дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ерқини Маматова. — Миллат дарди — менинг дардим, деб майдонга чиққан Президент Ислам Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда ғараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган тухматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби академик лицей ва касб-хўнар коллежларида ўтган «Хотира дарслари»да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари

ҳақида ҳикоя қилинди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан заҳмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ғоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳрининг Сергеев туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзаганиев. — Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқро миқёсда эътироф этилмоқда.

Машгулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин болалар мусика ва спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Сунгги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

№(1).

- Европа Кенгаши Президенти — **Дональд Туск**
- Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**
- Италия Республикаси Президенти — **Сержо Маттарелла**
- Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирилар Кенгашининг Раиси — **Рауль Кастро Рус**
- Кувейт Давлати Амири — **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
- Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**
- Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — **Шайх Ҳасина Вазед**
- Бруней Доруссалом Султони — **Ҳожи Ҳасанал Болкиях**
- Бруней Доруссалом Бош вазири ва иккинчи ташқи ишлар ва савдо вазири — **Пехин Дато Лим Жок Сенг**
- Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чан Дай Куанг**
- Исроил Давлати Президенти — **Реувен Ривлин**
- Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири — **Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**
- Буюк Британия Парламенти аъзоси, ташқи ишлар вазири — **Борис Жонсон**
- Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари — **Дато Сри Риизал Мериан бин Найна Мериан**
- Малайзия ишбилармонлар ва саноатчилар ассоциацияси президенти — **Дато Муҳаммад Изат Амир**
- Ислоҳ хамкорлик ташкилотининг Бош котиби — **Ийяд Амин Маданий**
- «Газпром» компанияси бошқаруви раиси — **Алексей Миллер**
- Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, «Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси инвестори — **Фальк Порше**
- Испания Конгресси депутати — **Хосе Мария Чикийо Барбер**
- Саудиялик ватандошлар.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

№(1).

12 йилдан бери мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

— Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узқни кўра олувчи, зукко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир қарра амин бўлдик, — дейди ушбу коллеж ўқувчиси Моҳичеҳра Абдукаримова. — Халқимизнинг буюк фарзанди Ислоҳ Каримовнинг порлоқ хотираси барча юртдошларимиз сингари биз — ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланиб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам «Хотира дарслари» замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётининг мисоллар ёрдамида ўтилди.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз



суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, қурилиш

материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, машиноэлектроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг изчил раванқ топаётгани бу борадаги пухта сиёсатнинг амалий натижасидир.

— Президентимиз доим биз — ёшларга мурожаат этганларида «Азиз фарзандларим, маррани баланд олинглар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг», деб кўп бора такрорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни химоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини уқтирар эди, — дейди ушбу институт талабаси Умид Маждидов. — Юртбошимиз каби Ватанимизга содиқ, фидойи, мард ва жасур, қатъиятли бўлиш бизларнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

«Хотира дарслари» мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юртга фидойилик, ватанпарварлик, одамийлик, ибрат сабоқларига айланган ушбу дарсларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдида мангу сақланиб қолиши, улар Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаши — бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

Танлов

Ўз касбининг моҳир эгалари сараланмоқда

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси билан бирга турли тармоқларда меҳнат қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган турфа касб эгалари меҳнатини қадрлаш, муносиб рағбатлантириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Хусусан, 2012 йилдан буён ҳар 2 йилда бир марта кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган турли касб эгаларини рағбатлантириш мақсадида «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни тақдирлаш тадбири ўтказиб келинмоқда.

Унда, муайян бир соҳада кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган, ўз соҳасида салмоқли ютуқларга эришган, «Устоз-шоғир» аъёналарига асосан ўз касбининг

сир-асрорларини ёшларга ургатиб, ўз соҳасининг малакали давомчиларини тайёрлаётган, меҳнат жамоаси орасида обрў-этиборга эга бўлган, мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини тўғри англаб, уларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган касб эгалари тақдирланадилар.

Мазкур аъёнани давом эттирган ҳолда «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни



тақдирлаш тадбирининг биринчи bosқичи жорий йилнинг август ойида ўтказилди. Унда турли соҳаларда меҳнат қилаётган 32 минг нафардан ортиқ турфа касб эгалари иштирок этдилар. Улар орасидан саралаб олинган муносиб номзодлар кейинги bosқичда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар ҳамда муносиб рағбатлантирилдилар.

Республика бўйича 5 bosқичда ўтказилаётган мазкур тадбирнинг 2-bosқичи айни кунларда ҳар бир тармоқ бўйича туман ва шаҳарларда ўтказилмоқда.

Кўп bosқичларда сараланиб, республика bosқичига йўланма олган

номзодлар — турли соҳаларда намунали фаолият кўрсатиб келаётган, ўз ишининг устаси бўлган, фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақиға ҳисса қўшаётган, бу йўлда изланиш ва ташаббус кўрсатишдан тўхтамаётган, ижтимоий шериклик асосида халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида юқори натижаларга эришаётган турли соҳа ходимлари — ўз касбининг фидойи ва жонқурлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан муносиб тақдирланадилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Эътибор

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши томонидан жамоа шартномалари бандларини, меҳнат муҳофазаси тадбирларини бажариш борасида иш берувчиларнинг масъулияти янада кучайтирилмоқда.


Ёшлар бандлиги — муҳим вазифа

Натижада, фаол ходимлар моддий ва маънавий рағбатлантирилиб, иш шароитлари тубдан яхшиланмоқда. Шуниингдек, меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш, меҳнатини муҳофазаси қилиш чоралари кўриляпти. Аҳолининг, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётир.

Айни пайтда ёшларни иш билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, 5 нафар коллеж битирувчиси ҳозирда яқка тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди.

Улар яратиб берилётган шароитлардан, кўрсатилётган гамхўрликдан мамнун эканликларини изҳор этмоқда.

Моможон ЮСУПОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси



Туман кенгашларида

Жамоа шартномалари — фаолиятимиз дастури

Меҳнат ва унга доир ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бувайда туман кенгаши тизимида 97 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар 9921 нафарни ташкил этади. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир 2015 — 2017 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномалари ва уларга жорий Соғлом она ва бола йили мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ижроси мунтазам равишда муҳокама қилиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.



Таълим муассасалари ўртасида «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танловининг туман bosқичи ҳам гоят қизиқарли ўтди. Кўрик якунига кўра, тумандаги 44-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма кўмитаси фаолиятига юқори баҳо берилиб вилоят bosқичига йўланмани кўлга киритди. Мазкур мактабда ходимлар учун барча шароит яратилган бўлиб, аёллар учун ювиниш, дам олиш хо-

налари мавжуд. Ходимлар Меҳнат кодекси ҳамда жамоа шартномаси асосида белгиланган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланмоқда.

«Соғлом она ва бола йили» дастурига асосан «Соғлом оила» шiori остида ўтказилган республика оилавий спорт мусобақасининг туман bosқичи кўтаринки руҳда ташкил этилди. Мусобақа голиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу оилавий спортни янада ривожлантиришда кўл келаётир.

Соҳа ходимларининг хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар ва маданият масканларига саёхатлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, Тошкент-Хива йўналиши бўйлаб 12 нафар фахрий ва ҳозирда соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг саёхати уюштирилди.

Ногирон, ёлғиз, боқувчисини йўқотган қариялар, уруш ва меҳнат

фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Уйда таълим олаётган ногирон, етим болалар ҳам доимо эътиборда.

Жорий йил ёз мавсумида тумандаги «Бувайда ёшлари орзуси» оромгоҳида 104 нафар «Коинот» оромгоҳида 6 нафар, эҳтиёжманд оила фарзандлари бепул соғломлаштирилди. Шуниингдек, республика миқёсидаги санаторийларда 20 нафар ишчи соғлигини мустаҳкамлади. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан 72 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари дам олдирилди.

Шуниингдек, «Аёллар спорт фестивали»нинг туман bosқичи юқори савияда ўтказилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган аёллар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, волейбол, стол тенниси, югуриш бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди.

Аббосхон РАҲМОНОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси

Ижтимоий шериклик

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ходимларга жамоа шартномаларида белгиланган имтиёزلарни қўллаш борасида мунтазам изланишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ишловчилар соғлигини мустаҳкамлашда касаба уюшма ва иш берувчилар ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Ҳамкорлик самараси

Жумладан, Андижон вилоят истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари хизматларидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчилар саломатлиги даврий тиббий кўриқдан ўтказилиб, касб касаллигининг олдини олиш мақсадида ихтисослаштирилган сиҳтоқларга тегишли равишда имтиёзли йўланмалар берилмоқда. Тиббий кўриқ натижаларига кўра, ўтган даврда тармоқ ходимларининг 120 нафарига каса-

ба уюшма тизимидаги санаторий ва дам олиш масканларида имтиёзли йўланмалар берилди. 11 нафар ходим бепул соғломлаштирилди.

Корхона маъмурияти билан касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган тизимли ишлар ходимлар манфаатини янада кучлироқ ҳимоялаш имконини бераётир.

Б.ҲАМДАМОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Касаба уюшма етакчиларига

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги №2-11-сон қарорига асосан Меҳнат кодексининг 101-моддаси тартибда Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш, шунингдек, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига кўра ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмаси вакилликка сайланган ходимга интизомий жазо қўллаш ёки у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш ҳақидаги иш берувчининг

тақдимномасини касаба уюшмаси органида кўриб чиқишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадига «Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби» тасдиқланди. Кўйида мазкур тартиб матни чоп этилмоқда. Тартибни амалда қўллаш заруратида ҳақда келадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Юридик клиникага 1092 қисқа рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби (бундан кейин матнда «тартиб») Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сонли Қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, касаба уюшмалари Республика ташкилотлари Уставлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Тартиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тақдимнома касаба уюшмаси органи томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги тақдимномани (бундан кейин матнда «тақдимнома») кўриб чиқиш қоидаларини белгилайди.

3. Касаба уюшмаси органи тақдимномани кўриб чиқишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатларга асосланади.

II. ТАҚДИМНОМАНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТЛИ ОРГАН

4. Тақдимномани кўриб чиқиш қўйидаги касаба уюшмаси органлари ваколатига тааллуқлидир:

1) ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ходимга интизомий жазо бериш юзасидан тақдимнома — шу касаба уюшмаси органи томонидан;

2) ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган ҳолда корхона, ташкилот, муассаса (кейинги ўринларда «корхона»)нинг таркибий бўлимидаги касаба уюшмаси органи (масалан, цех кўмитаси) раҳбари этиб сайланган ходимга интизомий жазо бериш юзасидан тақдимнома — корхона бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг органи (тегишлича кўмита, кенгаш, раёсат ёки бошқа) томонидан;

3) касаба уюшмасига аъзолигидан қатъи назар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш юзасидан тақдимнома — ходим ишлаб-танов қорхонанинг бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси томонидан, башарти, қорхонада касаба уюшмаси кўмитаси тузилмай, касаба уюшмаси ташкилотчиси фаолият юритиши белгиланган бўлса, касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан;

4) ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган қорхона касаба уюшмаси органининг раиси ёки аъзоси билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш юзасидан тақдимнома — қорхонадаги касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда тегишли касаба уюшмасининг тармоқ ёки худуд бўйича бирлашмаси (уюшмаси) органи томонидан;

5) ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган ҳолда юқори касаба уюшмаси органи (масалан, тармоқ ёки худуд бўйича бирлашган кўмита, кенгаш, раёсат ва ҳокзо) таркибига сайланган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш юзасидан тақдимнома — қорхонадаги касаба уюшмаси органи (кўмита ёки касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши) ҳамда ходим аъзо бўлган (сайланган) касаба уюшмаси органи томонидан;

6) ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод қилинмаган касаба уюшмаси ташкилотчиси ва касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш юзасидан тақдимнома — тегишли касаба уюшмасининг тармоқ ёки худуд бўйича бирлашмаси органи томонидан;

7) Тақдимномага касаба уюшмаси органи раҳбари томонидан коллегиял орган қарорисиз жавоб бериш, розилик бериш (келишиш) ёки рад этиш мумкин эмас.

III. ТАҚДИМНОМАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8. Тақдимномани кўриб чиқувчи касаба уюшмаси органи мажлисини қўриб, шунинг билан тўла ҳуқуқли бўлиши ва қарор қабул қилиш тартиби тегишли касаба уюшмаси ташкилотининг Устави, Низоми ёки бошқа локал ҳужжат билан белгиланади.

9. Тақдимномани кўриб чиқётган орган мазкур тартиб қоидаларининг тўлиқ ихросини таъминлайди, шунингдек, иш берувчи томонидан

интизомий жазо қўллаш ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунда белгиланган талабларига риоя этилганлиги ҳолатига баҳо беради.

10. Меҳнат кодексининг 5 ва 101-моддалари, шунингдек, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тартибнинг 4-банди 1, 2, 4, 5, 6-қичик бандлари талаблари жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида шартлашганлигидан қатъи назар қўлланилади.

Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида белгиланган тақдирда касаба уюшмаси аъзолари томонидан сайланган (меҳнат муҳофазаси бўйича вакил, меҳнат низолати комиссияси аъзоси ва бошқа) вакиллар касаба уюшмаси сайланган органи аъзосига тенглаштирилади.

11. Ваколатли касаба уюшмаси органи тақдимномани қонунда белгиланган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқади.

12. Тақдимнома касаба уюшмаси органининг мажлисида кўриб чиқилади. Тақдимнома юзасидан сўров йўли билан ёки бошқа тарзда сирдан қарор қабул қилишга йўл қўйилмайди.

13. Масаласи қўрилаётган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Касаба уюшмаси органи ходимнинг мажлисида иштирок этиши учун етарли имконият яратиши лозим.

Ходим мажлис ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма шаклда (тихлат билан топшириш ёки почта орқали юбориш йўли билан) хабардор қилиниши шарт.

Ходим мажлисга зарли сабабларга кўра иштирок этмаганда, уни кўриб чиқиш кейинга қўйилади ва иш берувчига бу ҳақда маълум қилинади.

Мажлисини кейинга қолдириш қонунда қўрсатилган муддат доирасида белгиланади. Мазкур муддат давомида ходимнинг иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажлис унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин.

Ходимнинг мажлисда зарли сабабларсиз иштирок этмаганлиги ёки иштирок этишдан бош тортганлиги тақдимномани унинг иштирокисиз кўриб чиқишга монелик қилмайди.

14. Тақдимномани кўриб чиқишда касаба уюшмаси органи томонидан иш берувчи ёки унинг вакили тақлиф этилиши мумкин.

15. Ходим ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун мажлисга ўз вакилини ёки адвокат тақлиф

қилиш ҳуқуқига эга.

16. Касаба уюшмаси органи мажлисга гувоҳлар, мутахассисларни тақлиф қилади, иш берувчидан муҳокама учун зарур маълумот ва ҳужжатлар олади.

17. Касаба уюшмаси органининг мажлисида баённома юритилади ва тақдимномани кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилинади. Баённома ва қарор касаба уюшмаси органи мажлиси раиси томонидан имзоланади.

18. Баённомада қўйидагилар акс эттирилади: мажлис ўтказиладиган жой ва сана, баённоманинг тартиб рақами;

корхона, касаба уюшмаси органи номи ва мажлисда иштирок этган касаба уюшмаси органи таркиби;

мажлисда иштирок этаётган бошқа шахслар, шу жумладан, тарафдорнинг вакиллари, гувоҳлар ва мутахассислар ҳақида маълумотлар; тақдимнома келиб тушган сана ва унинг моҳияти;

тақдимномани кўриб чиқиш жараёнида аниқланган ҳолатлар;

мажлисда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришлари, илтимосномалари ва аризалари; гувоҳлар кўрсатмаси, мутахассислар хулосаси ва изоҳи, тақдим этилган далиллар ва уларнинг ўрганиш натижалари; мажлисга ходимнинг тақлиф этилганлиги ва иштирокига оид маълумот (тегишли ҳужжатлар илова қилинади);

касаба уюшмаси органи қарорининг мазмуни ва унинг ҳуқуқий асоси (қонун ҳужжатлари, жамоа келишуви, жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси ва бошқа локал ҳужжатларга ҳавола келтирилган ҳолда);

касаба уюшмаси органи қарори ўқиб эшиттирилганлиги, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳақида маълумот;

қарор учун овоз бериш натижалари (ёқлаб ва қарши овоз берганлар, бетарфлар сони).

19. Касаба уюшмаси органининг тақдимномани кўриб чиқиш натижалари юзасидан қарори бевосита мажлис баённомасида акс эттирилади ёки алоҳида қарор қўришида баённомага илова қилиниши мумкин.

Қарорда қўйидагилар кўрсатилади: қарорни чиқарган касаба уюшмаси органининг номи; қарорнинг санаси ва тартиб рақами;

тақдимномада акс этган ҳолат, ходим ҳақидаги маълумотлар;

тақдимномани кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни;

тақдимномани кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган қарор.

20. Касаба уюшмаси органи қарорда асосланган тақдимномага қўриб чиқиш розилик бериш ёки розилик бериши рад этиш ҳақидаги тўхтам кўрсатилади.

Қарор далиллар билан исботланган ҳақда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Башарти, касаба уюшмаси органи иш берувчининг ҳаракатларида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаб, тақдимномага розилик бериши рад этиш ҳақида тўхтамга келса, қарорда иш берувчининг рад этилган талаблари, шунингдек, ходимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадига иш берувчи бажариши лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан талаблар аниқ ва равшан акс эттирилади.

21. Касаба уюшмаси органининг тақдимнома юзасидан чиқарган қарори мажлисда ўқиб эшитирилади.

22. Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси юзасидан иш берувчи ва масаласи қўрилган ходимга белгиланган тартибда (тихлат билан ёки почта орқали) жавоб хати йўлланиб, коллегиял органининг қарори илова қилинади.

23. Башарти, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш юзасидан киритилган тақдимномага розилик берилганидан кейин қонуний (бир ойлик) муддат ўтган ва иш берувчи қонунда белгиланган тартибда қайта мурожаат қилган ҳолларда касаба уюшмаси органи томонидан тақдимномани рад этиш, муқаддам берилган жавобдан нуска юбориш ёки бошқа шаклда кўрмай қолдиришга йўл қўйилмайди.

IV. ЯКУУМИЙ ҚОИДАЛАР

24. Касаба уюшмаси органининг қароридан норози бўлган манфаатдор ходим ёки иш берувчи белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

25. Касаба уюшмаси органининг тақдимномани кўриб чиқишга доир ҳужжатлари қатъий ҳисобга қўйилади ва сақланади.

26. Касаба уюшмаси ташкилотининг Уставида ушбу тартиб қоидаларига нисбатан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, Устав қоидалари қўлланилади.

Реклама ва эълонлар

«Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖнинг Наманган вилоят филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига тақлиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

Тўрақўрғон тумани.

1. «Савдо ва маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Тўрақўрғон шаҳар, Шарқ МФЙ худудидagi умумий майдони 300,0 кв.м., минимал қиймати 265 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил август, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 60 000 000 сўм.

2. «Маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Тўрақўрғон шаҳар, Бирлашган МФЙ худудидagi умумий майдони 180,0 кв.м., минимал қиймати 160 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил август, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 35 000 000 сўм.

3. «Савдо дўкони» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Тўрақўрғон шаҳар, Шарқ МФЙ худудидagi умумий майдони 50,0 кв.м., минимал қиймати 44 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. 2. Қурилиш муддати 2017 йил апрель, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 25 000 000 сўм.

4. «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Тўрақўрғон шаҳар, Тошкент МФЙ худудидagi умумий майдони 200,0 кв.м., минимал қиймати 176 500 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил июнь, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 50 000 000 сўм.

5. «Маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Сайрам ҚФЙ, Чуст кўприк МФЙ худудидagi умумий майдони 300,0 кв.м., минимал қиймати 265 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил июль, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 55 000 000 сўм.

6. «Маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Шаҳанд ҚФЙ, Ўзбекистон МФЙ худудидagi умумий майдони 2000,0 кв.м., минимал қиймати

1 460 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил август, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 9 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 160 000 000 сўм.

7. «Савдо ва маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Шаҳанд ҚФЙ, Мажнунтоқ МФЙ худудидagi умумий майдони 100,0 кв.м., минимал қиймати 73 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил июль, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 35 000 000 сўм.

8. «Савдо шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Хўжанд ҚФЙ, Хўжанд МФЙ худудидagi умумий майдони 96,0 кв.м., минимал қиймати 50 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил август, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

9. «Умумий овқатланиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Хўжанд ҚФЙ, Найманча МФЙ худудидagi умумий майдони 350,0 кв.м., минимал қиймати 182 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил март, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 40 000 000 сўм.

10. «Умумий овқатланиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Хўжанд ҚФЙ, Найманча МФЙ худудидagi умумий майдони 350,0 кв.м., минимал қиймати 182 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил март, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 40 000 000 сўм.

11. «Савдо шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Каттагон Сарой ҚФЙ, Шовон МФЙ худудидagi умумий майдони 100,0 кв.м., минимал қиймати 52 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил май, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

12. «Маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Каттагон Сарой ҚФЙ, Шовон МФЙ худудидagi умумий майдони 100,0 кв.м., минимал қиймати 52 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил май, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

13. «Хўжалик маорлари дўкони» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Каттагон Сарой ҚФЙ, Шовон МФЙ худудидagi умумий майдони 100,0 кв.м., минимал қиймати 52 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил май, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

14. «Савдо шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Каттагон Сарой ҚФЙ, Шовон МФЙ худудидagi умумий майдони 100,0 кв.м., минимал қиймати 52 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил май, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

15. «Савдо ва маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Каттагон Сарой ҚФЙ, Шовон МФЙ худудидagi умумий майдони 1000,0 кв.м., минимал қиймати 520 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил август, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 90 000 000 сўм.

16. «Савдо ва маъийш хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун Тўрақўрғон тумани Каттагон Сарой ҚФЙ, Шовон МФЙ худудидagi умумий майдони 200,0 кв.м., минимал қиймати 104 000 сўм бўлган 1 дона ер участкаси. Қурилиш муддати 2017 йил май, яратилиши лозим бўлган иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 50 000 000 сўм.

Танлов ҳужжатларида ҳамда шаларозлик топшириқига ҳар бир ер участкаси ва улар бўйича қўйидагилар мажбурийлар белгиланган. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбурийлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабдорларнинг танлов тақлифлари қайд этилган конвертлар 2016 йил 11 октябрь кунин соат 14:00 да Наманган вилояти ҳокимлиги биносининг мажлислар залида очилди ва кўриб чиқилди. Шу манзилда 2016 йил 11 октябрь кунин соат 17:00 да талабдорлар орасидан танлов тақлифлари энг яхши деб топилган танлов голиби аниқланди.

Танловда иштирок этиш истагидagi юридик ва жисмоний шахслардан бюрртманомалар ҳамда тегишли ҳужжатлар мазкур билдиришомна матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2016 йил 10 октябрь кунин соат 18:00 да тўхтатилади.

Лицензия: RR-0001

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат акти-ви қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Бинолардан фойдаланиш департаменти» ДУК тасарруфидagi, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган маъмурий бино қисми.

Бошланғич нархи — 19 082 559 663 сўм 39 тийин.

Баландса савдоси: Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Бинолардан фойдаланиш департаменти» ДУК.

Фаворити ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳари, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-«А» уй. **Тел/факс:** (0-371) 228-84-48. **Веб-сайт:** www.1kms.uz. **Электрон почта:** rieltssavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 30 сентябр кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳари, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-«А» уйда ўтказилади.


Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2016 йил 17 октябрь, 1, 16 ноябрь, 1, 19 декабрь ва 2017 йил 3, 18 январь, 2, 17 февраль, 6, 23 март, 7 апрел кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қўйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йў

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Спорт билан ҳамнафас авлод



Масканинг замонавий сув ҳавзасида малакали мураббийлар томонидан сузиш ва синхрон сузиш бўйича машғулотлар самарали йўлга қўйилган. Мактабнинг Сабринисо Ҳаётова, Заринабону Эгамова, Севара Раҳмонова каби тарбияланувчилари вилоят ва мамлакат миқёсидаги сузиш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Суратларда: спорт мактабининг сув ҳавзасида.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ ТОХИР ИСТАТОВ ОЛГАН СУРАТЛАР.

Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги сув спортига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 240 га яқин ўғил-қиз маҳорат оширмоқда.



Савол беринг, жавоб берамиз

Контракт тўламоқчиман

САВОЛ: Фарзандим Олий ўқув юртига контракт асосида ўқишга қабул қилинди. Бироқ, шартнома пулини бирданда тўлаш имконияти йўқ. Мен ишлаётган корхона раҳбаридан ойлик иш ҳақим ҳисобидан тўлов учун қарз беришни сўраб, иш ҳақини тўлиқ ушлаб қолишлари мумкинлигини билдирдим. Бироқ бош ҳисобчи ҳар қандай ҳолатда ҳам ходим маошини фақат 50 фоизинигина ушлаб қолиш мумкин, деб илтимосимни рад этди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Турли тўловларни амалга ошириш учун ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиби Меҳнат кодексига асос қўйилган. Кодекснинг 164-моддасида ходимнинг ёзма розилиги, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса суднинг қарорига асосан иш ҳақидан ушлаб қолишга йўл қўйилиши айтиб ўтилган. Ходимнинг розилигидан катъи назар белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш, иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш, ҳўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортинча тўланган суммани қайтариб олиш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақли. Иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга, ушбу моддада «Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим», дея кўрсатилган. Юқоридаги ҳолат айнан шу банд натижасида ходимларнинг манфаати кўзланган ҳолда келиб чиққан бўлиши мумкин. Бироқ, Меҳнат кодексининг 4-моддасида, «ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонуний билан белгилаб қўйилади. Қонунийликка нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин», дейилган. Шунга асосан агар ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган бирор келишув ёки шартномада юқоридаги ҳолат ходимга қўшимча имтиёз тарзида келтирилган бўлса, ходимнинг ариза-сига биноан шартнома тўлови учун иш ҳақи тўлиқ ушлаб қолиниши мумкин.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ўшлар овози

Ўзбекистонни умрида бир бор кўриш орзусида юрганлар қанча. Биз эса шу гўзал юртда яшаймиз, мусаффо ҳавосидан, зилол сувидан, азиз неъматларидан баҳраманд бўламиз. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди!

Дилларда фахр ҳисси

Ўзбекистон деганда, кўз ўнгимизда Фарғона водийсининг сўлим шаҳар ва қишлоқлари, Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг кўҳна мейморий обидалари, Қорақалпоғистон кенгликлари, Тошкентнинг гўзал қиёфаси, Қашқадарёнинг бепоён қирлари, Сурхон тоғлари, ҳар бир минтақа аҳолисининг ўзига хос феъл-атвор ва удувлари намоён бўлади. Маълумки, ота-боболаримиз Ватанини аждодлар ҳоқини асровчи муқаддас макон деб билганлар. Улар ётган, уларнинг қадами теккан жойларнинг муборак зиёратгоҳга айлантирилгани боиси ҳам шунда. Мустақилликка эришганимиздан кейин бундай жойлар янада обод бўлди.

Мен ҳам мустақиллик даврида туғилиб ўсган, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб келаётган навқорон авлод вақилиман! Мамлакатимизнинг кундан-кун янада чирой очиб бораётгани, ёшларнинг фойдали иш билан бандлиги, замонавий технологиялар

ва хорижий тилларни кунт билан ўрганаётгани, хонадонларимиз тинчлиги — барча-барчаси истиқлолнинг мевасидир. Шу ишларда озми-кўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари барчанинг кўнглини кувончга тўлдирмоқда. Чунки оила ва маҳаллаларимизнинг тинч-фаровонлиги юртимиз эришаётган муваффақиятларга боғлиқдир.

Ҳақиқатан, она диёримиз дунёда бетакрор, ягона ва муқаддасдир. Биз, ёшлар буни тегаранг англаган ҳолда тарихи ва келажак буюк юртда яшаётганимиздан фахрланган ҳолда катта мақсадлар билан олға қадам ташлайверамиз.

Ихтиёр ЭРГАШЕВ,
Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бош бошқармаси ходими

Туризм

Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларида саёҳатлар уюштириш аъёнага айланиб бораёти. Шундай саёҳатлардан бири 1-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари иштирокида уюштирилди.

Хивага саёҳат

40 нафар ўғил-қиз Хива шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб, бой ўтмишимиз ҳақида кенг тасаввурга эга бўлди.

— Келажакимиз эгаларини миллий кадриятларимиз, бой моддий ва маданий меросимиз билан яқиндан таништириш орқали уларда ватанпарварлик ҳиссини юксалтиришга эришамиз, — дейди бирлашма кенгаши масъул ходими Гулмурат Тилепов. — Шу маънода Хивага уюштирилган саёҳат болаларимиз учун беқиёс тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Маънавият

Озод ва обод юртда яшаш бахти

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Сирдарё вилоят тизими фаоллари иштирокида «Маънавият соати» ўтказилди.

Тадбирда истиқлол йилларида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани ҳақида сўз юритилди. Бундай озод ва обод юртда яшаш энг катта бахт эканлигига алоҳида урғу берилди.

Бу каби тадбирлар тармоқ тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда уюштирилмоқда.

И. БҮРИЕВ,
тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси

Санаторий кутубхонасида


2673 та китоб фондига эга бўлган «Зомин санаторийси» масъулияти чекланган жамияти кутубхонаси дам олувчиларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бу ерда сўнгги пайтларда бадиий адабиётларга қизиқувчилар сони ортиб бораётганини инобатга олиб, қўшимча китоб захираси ташкил этилди.

Шоҳиста Мингбоева раҳбарлик қилаётган кутубхонада маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар эса дам олувчиларга завқ-шавқ бағишлайди.

Кутубхонада «Президент асарлари», «Янги китоблар», «Маънавий камолот намояндалари», «Маънавият — қалб чироғи», «Энг яқин дўст — китоб», «Соғлом она ва бола» каби мавзуларда китоб кўргазмалари ташкил этилмоқда.

Муҳаммадга МАҲМУДОВ



Юпитернинг янги тасвири

Жуно («Юнона») космик курилмаси Ерга Юпитернинг янги ва ўта сифатли суратларини юборди. Бу ҳақда НАСА сайтида хабар берилмоқда.



Суратлар «Юнона» сайёра атрофидаги биринчи айланишни муваффақиятли амалга оширган вақтда олинган. У Юпитерни жами 36 марта айланган вақтда муҳрлашга муваффақ бўлди. Биринчи марта Юпитернинг инфрақизил тасвирлари йирик планда суратга туширилди.

— Бу Юпитернинг шимолий ва жанубий қутблари инфрақизил манзараларидир, улар биз шу пайтгача кўрмаган илиқ ва иссиқ нуқталарни намоён

қилди. Шу пайтгача ҳеч бир курилма Ердан ёки коинотдан жанубий қутб ёғдусини кадрга олишга олмаган эди. Деталлаштиришнинг юқори даражаси бизга Юпитер ҳақида кўпроқ маълумот беради, — дейди «Юнона» илимий курилмаси тадқиқотчилари.

Эслатиб ўтамиз, беш йил давомида Юпитерга қараб учган Жуно сайёраларо станцияси 4 июлда Юпитер орбитасига чиққан эди. Кейинроқ эса Жуно коинот курилмаси сайёрани максимал яқин масофада айланиб ўтди.

«Совутгич» кийим

Стэнфорд тадқиқотчилар жамоаси гаройиб пластик материал ишлаб чиқаришди. У матога бириктирилганда танани совутиш хусусиятига эга бўлади. Бу ҳақда hi-tech.mail.ru хабар қилмоқда.



Ихтирочиларнинг сўзларига кўра, ушбу янги мато ёзги ҳазирадада инсонни иссиқдан сақловчи либослар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. У иссиқликни танадан икки усул билан ҳайдади ва ҳароратни пахтали матодан яратилган либосга нисбатан 4 даражага пасайтириш имконини беради. Мато тернинг буғланишига имкон беришдан ташқари, совутишнинг яна бир янги усулига эга: у инфрақизил нурларни пластик тўқималардан ўтказиши.

Барча объектлар, жумладан, танамиз инфрақизил нур-

лар кўринишида иссиқлик беради. Кўрпа инфрақизил нурларини тутиб, уни тананга яқин ушлаб туриш орқали бизни иситида. Мутахассисларнинг айтишича, идорада ўтирганимизда танамиздаги иссиқликнинг 40-60 фоизи инфрақизил нурларни кўринишида тарқалиб кетади. Бироқ шу пайтгача бу нурларни ҳисобга олиб, кийим ишлаб чиқилмаганди.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, янги матодан яратилган кийим кийган киши иссиқ ҳавода ҳам ўзини қулай ҳис қилиши мумкин бўлади.

3D принтердан велосипед

Велосипеднинг электр двигатели, турли навигация ва ёрдамчи гаджетли бир қатор турлари мавжуд, лекин ҳеч ким замонавий технология ютуқларини велосипед деталларини ишлаб чиқишда қўллаш ҳақида ўйлаб кўрмаган. Фақат Белгия кашфиётчилари бундан истисно.



Бундай ихтиро учун Флам 3D номли компаниялар гуруҳи масъулиятни ўз зиммасига олди. Барча деталлар 3D принтерда ёсиб чиқарилди, велосипедга эса ажабтовур 3D-Bike номи берилди.

Тузилма ўта мустаҳкам полимерга асосланган. У вело-

сипед рамаларини ишлаб чиқаришда қўлланганидан ҳар қандай замонавий алюминий қотишмадан энгирок ва мустаҳкамроқ. Велосипеднинг деярли барча қисмлари шу полимердан ишлаб чиқилган. Улар оғирлик ва кучли зарбаларга чидамлидир.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририятнинг етакчи компютер оператори Ҳасан Абдужалиловга онаси **Зухра аянинг** вафот этганига муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
0116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir
Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek
Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan
Bedilov, Asror Ishanxodiyev,
Muhabbat O'rmonbekova,
Oksana Belousova, Timur Mamajonov
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba kunlari
chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi
short. Mualliflik fikri ta'hiriyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov
Navbatchi:
D.Oripov
Musahhirlar:
S.Shodiyyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:17
Topshirildi — 22:35

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonamanzilli:
Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Γ — 915.
14282 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Ta'hiriyat xisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Inlota» banki «Inlota» filiali,
Bank kod: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100